БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 179 (3661). | Шанба, 9 Сентябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ IX СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика касаба союзлари IX съезди делегатларини ва улар номидан Ўзбекистондаги барча касаба союз аъзоларини қизғин табриклайди.

Ўзбекистон касаба союзлари IX съезди қудратли давлатимизнинг халқлари сиёсий руҳ ва меҳнат шавқ-завқи баланд кўтарилган ҳамда Ленин партияси теварагида метиндек жипслашиб, қувончли умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёрланаётган бир вазиятда тўпланди.

Совет кишилари Совет ҳокимиятининг 50 йили мобайнида босиб ўтилган қаҳрамонона кураш ва тарихий ишларга бой шонли йўлга чуқур қониқиш ва қонуний фахрланиш ҳисси билан қараб, партия раҳбарлиги, Ленин байроғи, Октябрь байроғи остида социалистик қурилишда эришилган улуғвор ғалабаларнинг якунини чиқармоқдалар.

Ленинча доно миллий сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли ўзбек халқи совет халқларининг қардошларча бузилмас оиласида экономика, маданиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда Ўзбекистон қолоқ ўлкадан биринчи даражада замонавий саноати, кўп тармоқли ва юксак механизациялаштирилган қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданияти бўлган индустриал—колхоз Совет Социалистик Республикасига айланди.

Республиканинг ҳар томонлама муваффақиятларини Ўзбекистон касаба союзларининг актив ва самарадор фаолиятидан ажратиб бўлмайди. Улар халқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини кўтариш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш учун курашда тобора кўпроқ ташаббус ва ижодкорлик кўрсатмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришда актив қатнашмоқдалар, оммавий ва таъсирчан социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришга эришмоқдалар, меҳнаткашларнинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Коммунистик қурилиш манфаатлари касаба союзлар фаолиятини янада активлаш ва такомиллаштиришни, уларнинг бошқариш мактаби, хўжалик юргизиш мактаби, коммунизм мактаби сифатидаги ролини оширишни талаб этади.

Олдинда турган вазифа КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини бажаришда касаба союзларининг янада актив қатнашувини таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ва айниқса планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини, шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиши билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда уларнинг ролини кўтаришдан иборат.

Касаба союзларининг биринчи даражали муҳим иши — меҳнаткашларнинг меҳнат ва маиший шароитларини тинмай яхшилаб бориш, маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини яхшилаш, оммавий физкультура, спорт ва туризмни ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдан иборат.

Касаба союзларининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнаткашлар оммасини юксак коммунистик аҳлоқ, онгли интизом руҳида тарбиялаш, социалистик жамият қондаларига қатъий риоя қилиш, халқ мулкига эҳтиёткорлик билан қараш, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашдан иборат.

Республика касаба союзларининг ватанпарварлик бурчи омма ўртасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кучайтириш асосида ишчилар ва хизматчиларни Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданиятни янада юксалтириш юзасидан олган юбилей мажбуриятларини бажаришга жалб этишидадир. Энг муҳим вазифа—бу йил мамлакатга камида тўрт миллион тонна пахта бериш учун бутун куч-қувватни сарфлашдан иборат.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистон касаба союзлари партия белгилаб берган коммунистик қурилиш улуғвор программасини амалга ошириш учун янада катта куч-ғайрат билан курашадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига асосланган абадий дўстлик, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳар томонлама қалин ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқларининг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг туб манфаатларига муносиб эканлигига шартноманинг кириш қисмида астойдил ишонч изҳор қилинади.

Аҳдлашувчи олий томонлар, дейилади шартноманинг 1-моддасида, социалистик интернационализм принципларига мувофиқ, давлат суверенитетини, ҳуқуқий тенгликни ўзаро ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка асосланиб, СССР ва ВХР халқлари ўртасидаги абадий дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайберадилар ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантираберадилар, бир-бирларига қардошларча ёрдам кўрсатаберадилар.

Шартноманинг 2- ва 3-моддаларида иқтисодий ва илмий-техника соҳаларида ўзаро наф келтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни бутун чоралар билан ривожлантириш, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилади. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳам кўзда тутилади.

Ҳар икки томон, дейилади 4-моддада, жаҳон социализм системасининг куч ва қудратини мустаҳкамлаш учун, халқаро тинчлик ва халқлар хавфсизлигини империализм ва реакция агрессив кучларининг ҳамласидан ҳимоя қилмоқ учун, яъни ва батамом қуролсизланишга эришиш, мустамлакачилик ва ирқий камситишнинг ҳар қандай форма ва кўринишларини узил-кесил тугатиш, мустамлакачилар ҳукмронлигидан озод бўлган ва миллий мустақиллик ҳамда суверенитетни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш учун бундан буён ҳам тегишли чораларни кўраберадилар. Томонлар, дейилади 5-моддада, Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган давлат чегараларининг барқарорлиги Европа хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири эканлигини билдирадилар. Улар Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда шу шартномада қатнашувчи давлатлар чегараларининг даҳлсизлигини таъминлаш ва милитаризм ҳамда реваншизм ҳар қандай кўринишларининг агрессиясига йўл қўймаслик ва агрессорга зарба бериш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўришга қатъий қарор берганликларини билдирадилар.

Аҳдлашувчи томонлардан бири бирон давлатнинг ёки давлатлар группасининг қуролли ҳужумига дучор бўлиб қолган тақдирда, деб таъкидлаб ўтилади 6-моддада, иккинчи томон унга дарҳол ҳар қандай ёрдам, жумладан ҳарбий ёрдам кўрсатади, шунингдек ўз ихтиёрида бўлган барча воситалар билан уни қўллаб-қувватлайди.

Шартноманинг 7-моддасида ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига тааллуқли барча муҳим халқаро масалалар юзасидан бир-бирлари билан маслаҳатлашиб туришлари кўзда тутилади.

Шартнома 20 йил муддатга мўлжалланиб тузилади ва шартнома муддатини ҳар сафар ўз-ўзидан узайтабериш кўзда тутилади.

ҚАРДОШЛИК МИТИНГИ

БУДАПЕШТ, 7 сентябрь ТАСС. Бугун дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг, Будапештдаги бинокорлар уйида Венгрия-Совет дўстлиги митинги бўлди. Совет партия ҳукумат делегацияси аъзолари, Венгрия Халқ Республикаси партия ва ҳукуматининг раҳбарлари, мамлакатнинг таниқли жамоат арбоблари митинг президиумидан жой олдилар.

Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Будапешт шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Карой Немет митингни очди.

Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар митингда катта нутқ сўзлади.

Янош Кадар ўз нутқининг бош қисмида Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин ўртоқларга, совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларига ва улар орқали бутун совет халқига табрик сўзлари айтди.

Биз, деди у, қонуний ваколотларимизга мувофиқ бугун дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида ява 20 йилга мўлжалланган венгер-совет шартномасини имзоладик. Биз бу шартномани тузиш билан халқларимизнинг йил сайин мустаҳкамланиб бораётган абадий, бузилмас самимий дўстлигини яна бир марта тасдиқладик ва мустаҳкамладик. Бу дўстлик эндигина туғилган дўстлик бўлмай, балки ўтмишда қаҳрамонларнинг қони мунаввар қилган дўстлик ҳамдир.

Совет Иттифоқи, деди яна Янош Кадар, Венгрия тарихида биринчи марта ватанимизни тенг ҳуқуқли шерик деб билган ва ҳуқуқий тенглик асосларида у билан мустаҳкам иттифоқ тузишга тайёр турган биринчи улуғ давлат бўлди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йил февраль ойида имзоланган шартнома, деб сўзини давом эттирди Янош Кадар, қозғга ёзилганича қолиб кетмади. 1947 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасидаги товар оборотн қарийб 40 баравар ортди. Маълумки, Венгриянинг хом ашёси етишмайди, Венгрия Совет Иттифоқидан ҳаётий зарур бўлган ёрдамни олиб келмоқда.

Венгер халқи, деди Янош Кадар, ўз озодлиги учун икки марта қон тўккан совет қаҳрамонларини зўр миннатдорчилик ва ҳурмат билан эсга олади ҳамда венгер халқининг курашида унинг социалистик жамият қуриш йўлидаги буюк ишида ҳамма соҳаларда ёрдам берган ва кўмаклашиб келаётган барча совет кишиларига миннатдорчилигини изҳор қилади.

Венгрия Халқ Республикасининг ички ва халқаро аҳволи, деди Янош Кадар, ҳозир мустаҳкам бўлиб қолди. Бизнинг халқимиз социалистик жамиятни, ўзининг порлоқ истиқболини зўр ишонч билан муваффақиятли суратда барпо этмоқда, социал тараққиёт учун, халқларнинг озодлиги учун, тинчлик учун халқаро майдонда олиб борилаётган курашда қатнашмоқда.

Биз, деди у, комил ишонч билан олға назар солмоқдамиз, чунки марксча-ленинча принциплар, партиямизнинг сиёсати ва ёқадорлик роли, социалистик мақсадларни рўёбга чиқаришда ишчилар синфимизнинг ва бутун халқимизнинг бирлиги катта кучдир ва ҳозирги мураккаб дунёда мустаҳкам халқаро таянчимиз бор. Социалистик мамлакатларнинг халқлари, тараққиётнинг баъзи кучлари ва аввало, социал тараққиёт ҳамда тинчликнинг энг қудратли, энг мустаҳкам ва асло енгилмас таянчи бўлган Совет Иттифоқи биз билан бир сафдадир.

Венгер-совет шартномасига тўхталиб Янош Кадар айтдики, бу шартнома икки мамлакатнинггина эмас, балки бутун социалистик ҳамдўстликнинг ҳам асосий манфаатларига муносибдир. Биз, деди у, барча социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида бундан буён ҳам иш олиб борамиз ва Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш ниятидамиз.

Сўнгра Янош Кадар Улуғ Октябрь социалистик революцияси галабасидан кейин ўтган 50 йил ичида жаҳонда рўй берган туб ўзгаришни, кучлар нисбати социализм, тинчлик ва тараққиёт фойдасига ўзгарганлигини таърифлаб берди.

Ҳозирги халқаро вазиятда, деб таъкидлади Янош Кадар, социалистик ва барча антиимпериалистик мамлакатлар, коммунизм ва барча прогрессив оқимларнинг кучлари империализмни жиловлаб қўйиш учун, тинчликни ҳимоя қилиш учун жипслаштирилиши айни муддао бўлур эди. Биз жаҳон коммунистик ҳаракатидаги барча партиялар жипслигининг, барча социалистик мамлакатларни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида маҳкам бирлаштиришни тарафдоримиз. Кейинги йилларда бизнинг бирлигимиз интернационализмга зид бўлган миллий маҳдудликка интилиш билан, бунинг устига, аввало, Мао Цзэ-дун ва группасининг чиқишларида ўз ифодасини топган реакцион, миллатчилик қарашлари, Советларга қарши чиқишлар билан кейинги йилларда бирлигимизга путур етганлигини афсус билан айтиш керак. Империалистлар ана шу нифоқчилик ишларидан фойдаланиб қолдилар.

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Хитой халқининг манфаатларига ҳам, социалистик мамлакатларнинг ҳам, социалистик мамлакатларнинг халқлари ва халқаро коммунистик ҳаракатга ҳам катта зарар етказаётган Мао Цзэ-дун сиёсатини қатъиян рад этади. Биз қайғу натижада Хитой революциясининг соғлом кучлари устун бўлиб чиқадилар ва Хитой коммунистлари, ишчилар синфи меҳнаткашлар ҳалқи халқаро ишчилар синфи билан биргаликда яна ягона фронтга бирлашиб, империализмга қарши, социализм ва тинчликнинг умумий иши учун курашадилар, деб ишонамиз.

Биз империализмга қарши курашдаги ҳаракатимиз вазифаларини муҳокама қиладиган ва тегишли тайёргарлик кўрилганидан сўнг чақириладиган катта кенгашнинг тарафдоримиз. Биз кенгашда барча партияларнинг вакиллари ҳозир бўлишини истар эдик, лекин ҳарбир партия унда қатнашишга тайёр эканлигини билдиргунга қадар кенгашни чақирмай, кутиб ўтиришимиз керак, деб ўйлаймиз. Коммунистик ҳаракат душманлари янгидан-янги агрессив планлар тузиш ва амалга оширишни пайсалга солмайдилар ва бинобарин, биз ҳам уларнинг яна вақтдан ютиб чиқишларига йўл қўя олмаймиз, деди сўзининг охирида Янош Кадар. Бизнинг халқимиз социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонгунга қадар ўзининг тарихий курашини ва буюк меҳнатини тағин ҳам зўр миқёсда ва ишонч билан давом эттира беради.

Сўнгра раислик қилувчи совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга сўз беради.

Л. И. Брежнев совет-венгер дўстлиги митингида сўзлаган нутқида социалистик Венгрия пойтахтининг аҳолисига, венгер коммунистларига, мамлакатнинг барча меҳнаткашларига Совет Иттифоқи коммунистларидан, бутун совет халқидан қизғин салом тошширди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида шартнома имзоланганини, деди у, барча социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида бундан буён ҳам иш олиб бораётганимизнинг яна бир ёрқин далилидир, деди Л. И. Брежнев. Бу—халқларимиз тарихида, социалистик ҳамдўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим воқеадир.

Янги шартнома 1948 йилда, яъни қарийб йигирма йил мукаддам дўстлик тўғрисида тузилган биринчи совет-венгер шартномасининг ўрнини олади. Ана шу йигирма йил социалистик система тарихида ҳам, бутун жаҳон тараққиётида ҳам жуда катта ўрин олди.

Олдимизда ҳали жуда катта ва мураккаб вазифалар турганлигини тушунамиз албатта. Лекин эришилган натижалар мана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига бизнинг ишончимизни кучайтиради, биз бундан буён ҳам олға томон, коммунизм сари тағин ҳам жадалроқ ҳаракат қилаверамиз.

Венгрия билан ССРнинг муваффақиятлари — мамлакатларимиз халқларининг меҳнатдаги куч ғайрати самараси ва шу билан бирга социалистик давлатлар ўртасидаги, жумладан, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликнинг натижасидир.

Венгрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик кейинги йилларда айниқса кенг ва лоч ёзди, деди нотиқ, партияларимиз ва ҳукматларимизнинг раҳбарлари ўртасида мунтазам алоқа қилиб турилганлиги одат тусига кириб қолди. Ҳар иккала мамлакатнинг маҳаллий партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа ташкилотлари ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Ғояларни зўр қизиқиш билан бахам кўриш, партия, давлат ва хўжалик қурилиши тажрибасини бахам кўриш давом этмоқда. Ҳозиргина имзоланган шартномада, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, биргаликда эришган ғалабаларимизнинг якунлари ёзиб қўйилди. Унда келажак программаси ҳам бор, бу программанинг бажарилиши мусобақатларимизни тағин ҳам бойитади, бу мусобақаларни тағин ҳам пухта, тағин ҳам атрофлича мунсобатларга айлантиради.

Муштарак революцион ишимизни янада ривожлантириш учун, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун, озодлик, демократия ва инсоният социал тараққиёти тақдири учун социализм мамлакатлари зиммасига ғоят катта тарихий масъулият тушаётган бир пайтда яшаб турибмиз, деди сўнгра Л. И. Брежнев. Бутун дунё коммунистик ва ишчи партиялари 1960 йилда чиқарган энг муҳим хулоса ҳаққоний эканлигини турмуш батамом тасдиқлади. Шу хулоса қуйидагича **«ҳозирги даврда инсоният жамияти тарихий тараққиётининг асосий мазмунини, асосий йўналишини ва асосий хусусиятларини жаҳон социалистик системаси, жамиятни социалистик негизда қайта қуриш учун империализмга қарши курашаётган кучлар белгилаб бермоқда».**

Аввало, янги адолатли ва инсонпарвар жамият — социализм ва коммунизм муваффақиятли равишда қурилаётган давлатларда социализм иши кетма-кет ғалаба қозонмоқда. Социалистик жамиятнинг тараққиёти халқ манфаатларини ўзмоқ қилиш ва жамият барча аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора кўпроқ даражада таъминлашга интилишдан бўлак мақсади йўқ эканлигини, социализмнинг ташқи сиёсати эса, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш сиёсати эканлигини жаҳон халқлари кўриб турибди.

Социализмнинг жозибадор кучи мустамлакачилик қарамлиги зулмини улоқтириб ташлаган мамлакатлардаги миллион-миллион хаммаси орасида ҳам мустаҳкамланиб, ўсиб боормоқда. Бу мамлакатларнинг халқ оммаси асрий қолоқликни бартараф этиб, социализм шуъласига интилмоқдалар, шу мамлакатларнинг баъзилари эса, ҳозирдаёқ нокапиталистик ривожланиш йўлига ўтиб олдилар.

Эксплуататорлик, зўравонликдан иборат империализм жамиятининг бутун моҳиятидан келиб чиқувчи чуқур ички жараёнлар натижасида империализм лагери тобора кўпроқ кемирилиб боормоқда.

Империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсати Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг тобора актив зарбасига дуч келмоқда. Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти проблемаларига, халқларнинг миллий мустақилликка, тараққиёт ва тинчликка бўлган табиий интилишларига империализм фақат бир нарса билан—зўравонлик, халқларга қарши қонли жиноят билан жавоб бермоқда. Бунга биз ҳар куни ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Империалистларнинг Вьетнамдаги агрессияни кенгайтириш, Исроилнинг мустақил араб давлатларига ҳужумини уюштириш, Грецияда ҳарбий-фашистик тўнтариш қилиш, Боннинг «бутун Германия» номидан гапиришга, Европадаги чегараларни қайтадан тузишга зўр бериб қилаётган даъволари, Германия Демократик Республикасига қарши маккорона ҳаракатларга ана шундан яққол далолат бериб турибди.

Тинчлик ва социализм манфаатлари, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатлари ҳозирги шароитда социалистик давлатлардан ўз сафлари бирлигини ва ҳамкорлигини социалистик интернационализм негизида, ҳар бир мамлакатнинг ва умуман бутун ҳамжамиятимизнинг манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлашни қаттиқ талаб қилмоқда.

Социализм мамлакатларининг миллий озодлик ҳаракати билан, империализмга қарши курашаётган барча кучлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур. Тинчлик, озодлик ва халқлар мустақиллиги иши душманларининг ҳужумларини даф қилаётган кучларнинг халқаро фронти тобора кудратли бўлиб бориши лозим.

Империализм сиёсатининг авантюризмдан иборат империализм жамиятининг бутун моҳиятидан келиб чиқувчи чуқур ички жараёнлар натижасида империализм лагери тобора кўпроқ кемирилиб боормоқда.

Империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсати Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг тобора актив зарбасига дуч келмоқда. Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти проблемаларига, халқларнинг миллий мустақиллиқка, тараққиёт ва тинчликка бўлган табиий интилишларига империализм фақат бир нарса билан—зўравонлик, халқларга қарши қонли жиноят билан жавоб бермоқда. Бунга биз ҳар куни ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Империалистларнинг Вьетнамдаги агрессияни кенгайтириш, Исроилнинг мустақил араб давлатларига ҳужумини уюштириш, Грецияда ҳарбий-фашистик тўнтариш қилиш, Боннинг «бутун Германия» номидан гапиришга, Европадаги чегараларни қайтадан тузишга зўр бериб қилаётган даъволари, Германия Демократик Республикасига қарши маккорона ҳаракатларга ана шундан яққол далолат бериб турибди.

Тинчлик ва социализм манфаатлари, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатлари ҳозирги шароитда социалистик давлатлардан ўз сафлари бирлигини ва ҳамкорлигини социалистик интернационализм негизида, ҳар бир мамлакатнинг ва умуман бутун ҳамжамиятимизнинг манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлашни қаттиқ талаб қилмоқда.

Социализм мамлакатларининг миллий озодлик ҳаракати билан, империализмга қарши курашаётган барча кучлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур. Тинчлик, озодлик ва халқлар мустақиллиги иши душманларининг ҳужумларини даф қилаётган кучларнинг халқаро фронти тобора кудратли бўлиб бориши лозим.

Империализм сиёсатининг авантюризмдан иборат империализм жамиятининг бутун моҳиятидан келиб чиқувчи чуқур ички жараёнлар натижасида империализм лагери тобора кўпроқ кемирилиб боормоқда.

Империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсати Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг тобора актив зарбасига дуч келмоқда. Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти проблемаларига, халқларнинг миллий мустақиллиқка, тараққиёт ва тинчликка бўлган табиий интилишларига империализм фақат бир нарса билан—зўравонлик, халқларга қарши қонли жиноят билан жавоб бермоқда. Бунга биз ҳар куни ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Империалистларнинг Вьетнамдаги агрессияни кенгайтириш, Исроилнинг мустақил араб давлатларига ҳужумини уюштириш, Грецияда ҳарбий-фашистик тўнтариш қилиш, Боннинг «бутун Германия» номидан гапиришга, Европадаги чегараларни қайтадан тузишга зўр бериб қилаётган даъволари, Германия Демократик Республикасига қарши маккорона ҳаракатларга ана шундан яққол далолат бериб турибди.

Тинчлик ва социализм манфаатлари, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг манфаатлари ҳозирги шароитда социалистик давлатлардан ўз сафлари бирлигини ва ҳамкорлигини социалистик интернационализм негизида, ҳар бир мамлакатнинг ва умуман бутун ҳамжамиятимизнинг манфаатларини кўзлаб мустаҳкамлашни қаттиқ талаб қилмоқда.

Социализм мамлакатларининг миллий озодлик ҳаракати билан, империализмга қарши курашаётган барча кучлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур. Тинчлик, озодлик ва халқлар мустақиллиги иши душманларининг ҳужумларини даф қилаётган кучларнинг халқаро фронти тобора кудратли бўлиб бориши лозим.

Мао Цзэ-дун ва унинг гумаштлари Хитой халқининг революцион галабаларини хавф остида қолдираётганлигини Хитойдаги сўнгги воқеалар кўрсатиб турибди. Мао Цзэ-дун группаси «маданий революция» деб атаётган нарсани контрреволюция деб аташ тўғрироқ бўлур эди. Ҳозир Хитойда аслини олганда халқ-демократик ҳокимияти зарба остида қолмоқда. Партия уставида белгиланган органлар ва давлат ҳокимиятининг конституцион органлари ҳақиқатда ўз ишларини тўхтатди. Касаба союзлари, комсомол, жамоат ташкилотлари тарқатиб юборилди. Партия ва давлатнинг кўпгина таниқли ва хизмат кўрсатган ходимлари, Хитой революциясининг атоқли арбоблари, машҳур саркардалар, фан ва маданиятнинг энг йирик намояндаларини бадном қилиб, вахшиёна репрессияларга дучор этмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг социал галабалари ва ҳуқуқлари йўққа чиқарилмоқда. Мамлакатнинг турли томонларида Мао Цзэ-дун ва нойибларининг ўзбошимчалигига қарши чиқаётган Хитой ишчилари ва деҳқонларидан қуролли ўч олинмоқда. Бўҳтон пропагандининг лақиллатишига учган хунвэйбинлар ва цзаофанларнинг фанатик группаларигина эмас, шу билан бирга, алданган армия қисмлари ҳам уларга қарши ташланмоқда. Бирок армиянинг ўзидаги тобора кўп солдат ва офицерлар ҳам Мао Цзэ-дун группаси улардан қандай мақсадлар учун фойдаланишга уринаётганлигини тушуниб олмоқда.

Хитой Компартияси ва халқи ҳозир ўз тарихининг қалтис даврини бошдан кечирмоқда. Лекин кураш қанчалик мураккаб бўлмасин, оқибат—натижада улар революция галабаларини ҳимоя қилиб қолмоқ ва ўзининг буюк мамлакатини тўғри йўлга солиб юбормоқ учун кодир бўлиб чиқадилар, биз бунга аминмиз.

Европадаги 25 мамлакат коммунистларининг шу йил баҳорида Карловы Варида ўтказилган конференцияси қардош партиялар коллектив ҳамкорлигининг яхши намунасини кўрсатди. Бу йўлда биргаликда сарфлайдиган куч-ғайратларимизни янада ривожлантиришга пайти келганга ўхшаб турибди. Кўп партиялар шундай нуқтаи назарда турибдилар ва биз ҳам бу фикрга батамом қўшиламиз.

Ўртоқлар! Октябрнинг эллик йиллик байрамини совет халқигина эмас, бутун коммунистик, озодлик ҳаракати, бутун тараққийпарвар инсоният ҳам нишонлайди, деди Л. И. Брежнев.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги совет-венгер шартномаси ҳам порлоқ келажак учун курашга ҳизмат қилиши лозим.

Я. Кадар билан Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланиб, кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Митинг партия гимни «Интернационал»ни ижро этиш билан тугади.

ССРР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚРИМДА ЯШАГАН ТАТАР МИЛЛАТИГА МАНСУБ ГРАЖДАНЛАР ТЎҒРИСИДА

1944 йилда Қрим фашист оккупациясидан озод қилинганидан кейин Қримда яшаган татарлардан муайян бир қисмининг немис босқинчилар билан актив ҳамкорлиги фактлари асосида равишда Қримнинг бутун татар аҳолисига нисбатан жорий қилинган эди. Қримда яшаган татар миллатига мансуб барча гражданларга нисбатан қўйилган асоссиз айблар, айниқса янги авлод жамиятнинг меҳнат ва сиёсий ҳаётига кириб келганлиги учун ҳам олиб ташланиши керак.

ССРР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Давлат органлари тегишли қарорларининг Қримда яшаган татар миллатига мансуб кишиларга нисбатан асоссиз айблар қўйилган қисми бекор қилинсин.

2. Илгари Қримда яшаган татарлар Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг территорияларида жойлашиб, совет гражданларининг барча ҳуқуқларидан фойдаланаётганликлари, ижтимоий сиёсий ҳаётда қатнашаётганликлари, Олий Советларнинг депутатлари ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советларининг депутатлари қилиб сайланаётганликлари, совет, хўжалик ва партия органларининг масъулиятли лавозимларида ишлаётганликлари, улар учун радио эшиттиришлар уюштирилиб, она тилида газета чиқарилаётганлиги ва бошқа маданий тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд қилинсин.

Татар аҳолиси яшаётган районларни янада ривожлантириш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига татар миллатига мансуб граждан-ларнинг миллий манфаатлари ва хусусиятларини эътиборга олиб, хўжалик ва маданий қурилишда уларга бундан буён ҳам ёрдам ва кўмак бериш топширилсин.

ССРР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

ССРР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1967 йил 5 сентябрь.

ССРР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

ССРР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ 1956 ЙИЛ 28 АПРЕЛДАГИ ФАРМОНИНИНГ 2-МОДДАСИНИ ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ССРР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Илгари Қримда яшаган татар миллатига мансуб гражданлар ва уларнинг оила аъзолари ССРРнинг барча гражданлари каби меҳнатга жойлаштириш ва паспорт режими тўғрисидаги мавжуд қонунларга мувофиқ Совет Иттифоқининг бутун территориясида яшаш ҳуқуқидан фойдаланадилар, деб тушунтириб берилсин.

ССРР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

ССРР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1967 йил 5 сентябрь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 8 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда терилган	Мавсум бошидан
Янгийўл	1,30	3,96
Бўка	0,67	0,67
Оржоникидзе	0,64	0,64
Ўрта Чирчиқ	0,11	0,20
Юқори Чирчиқ	—	0,03
Оққўрғон	—	—
Бекобод	—	—
Область бўйича	0,43	0,96

ССРР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАБУЛА ҚАҲҲОРНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилганига 60 йил тўлганлиги муносабати билан ёзувчи Абдулла ҚАҲҲОР Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

ССРР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

ССРР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1967 йил 8 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Абдулла Қаҳҳоровга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 8 сентябрь
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА

Ўзбекистон касаба союзлари совети раиси М. А. ЗОИДОВНИНГ ҳисобот доклади

Ўртоқлар! Ўзбекистон касаба союзларининг IX съезди совет халқи, барча илғор инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали равишда нишонлашга тайёрланаётган унутилмас кунларда ўтмоқда.

Республика касаба союзларининг бундан аввалги VIII съездидан сўнг тўрт йил ўтди. Ўзбекистон касаба союзлари совети шу йиллар мобайнида республика касаба союзлари советлари ва комитетларининг амалий фаолиятини партия қўйган программ иқтисодий вазифани амалга ошириш учун, коммунизм моддий техника базасини яратиш учун курашда меҳнаткашлар активлигининг муттасил ўсишини таъминлашга қаратди.

Ишлаб чиқариш планларини бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш касаба союз ташкилотларининг диққат марказида турди.

Касаба союзларининг арсеналида меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини ривожлантиришда социалистик мусобақа сингари қудратли восита бор. Республикамизда мусобақа чинакам оммавий, ошкор, таъсирчан бўлиши, коммунистик меҳнат қилиш ҳаракати амалда рағбатлантирувчи, катта ижодкор куч бўлиб қолиши учун касаба союзларининг советлари ва комитетлари кўп иш қилдилар.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги 95 процентдан ортиқ ишчилар ва хизматчилар социалистик мусобақада қатнашмоқдалар. Коммунистик меҳнат қилиш ҳаракати қатнашувчиларининг сони 1963 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпайиб, 700 минг кишига етди. Коммунистик меҳнат коллективлари деган юксак ном учун 1300 га яқин корхона, 6600 дан ортиқ цех, участка, смена ва бўлимлар, 36 мингдан ортиқ бригада курашмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори деган номни олиш ҳаракатига якка тартибда 493 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи қўшилди. Хўжалик йилининг якунларига кўра, 79 корхона ва ташкилотнинг, 175 минг киши ишлаётган 11 886 бригаданинг меҳнатчилари коммунистик меҳнат коллективлари деган фахрли номга сазовор бўлган, 182 минг ишлаб чиқариш илғори ва новатори коммунистик меҳнат зарбдори деган номга эришди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа бутун республика бўйлаб кенг авж олди. «Тоштекстилмаш» заводининг коммунистик меҳнат бригадалари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номини олиш ҳуқуқи учун коллективлар, бригадалар, цехлар ва участкаларнинг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришга биринчилардан бўлиб чақириқ билан чиқдилар. Бу қимматли ташаббус бутун республикада қизғин қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари юбилей йилида давлатга камида 4 миллион тонна пахта беришга, деҳончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулот турлари етиштиришга ва тайёрлашга анча оширишга аҳд қилдилар.

Социалистик мусобақанинг бориши, мажбуриятларнинг бажарилиши яхшигина ошкор бўлди. Бу масалалар касаба союзи ва ишчиларнинг йиғилишларида тез-тез муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон касаба союзлари совети ва область советларида, касаба союзларининг республика, область ва район комитетларида, кўпи билан касаба союз ташкилотларида мунтазам равишда кўриб чиқилмоқда, матбуот, радио ва телевидениеда тўлақон ёритилмоқда. Кўпгина касаба союз комитетлари мусобақа голиблари, ишлаб чиқариш новаторларининг илғор тажрибаларини ёйиш ишини активлаштириб юбордилар.

Шу билан бирга мусобақани ташкил этишда ҳали кўп камчиликлар ҳам йўқ эмас. Социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқишда айрим касаба союз ташкилотлари ишчилар коллективларига яхши ёрдам бермаётир. Кўпгина мажбуриятларнинг конкрет эмаслиги, уларда ишлаб чиқариш резервларидан максимал равишда фойдаланиш назарда тутилмаганлиги тасодифий ҳол эмасдир. Кўпгина корхоналар ва ташкилотларда мусобақа якунлари ўз вақтида чиқарилмайди, чиқарилганлари ҳам расмий бўлаяпти, айрим участкаларнинг қолоқлик сабаблари очиб ташланмаётир ҳамда қийинчиликлар ва камчиликларни енгиш учун зарур ёрдам кўрсатилмаётир.

Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, ишчилар меҳнатини юксак унумдор қиладиган шароитлар яратишдек масалаларни ҳал қилишда касаба союз советлари ва комитетлари ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан ҳали тўла фойдаланмаётирлар.

Ихтирочилик ва рационализация социалистик мусобақа билан бир қаторда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, ишчилар ва хизматчиларни техника тараққиёти учун курашга жалб этишда муҳим форма ҳисобланади. Ўзбекистон касаба союзлари совети Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг республика советлари, илмий-техника жамиятларининг техника тараққиёти масалаларини ҳал этишдаги ролини кўтариш ва ишини такомиллаштириш юзасидан бир қатор чоралар кўрди. Ана шу соҳада маълум ижобий натижаларга эришилди.

Башарти 1963 йилда республика Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг 977 бошланғич ташкилоти бўлса, эндиликда уларнинг сони 1475 га етди. Рационализаторлик ва ихтирочилик ишида 66 минг ишчи ва мутахассис қатнашмоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида улар томонидан киритилган 150 мингдан ортиқ таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 112 миллион сўм чамаси иқтисодий самара берди.

Ихтирочилик ва рационализаторлик соҳасида эришган муваффақиятлари учун 36 новатор «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи» деган ва 83 новатор «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» деган фахрли номларга сазовор бўлдилар.

Сўнгги вақтларда илмий-техника жамиятлари чинакам оммавий ташкилотларга айланди. Уларга 53 минг олим, инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш новаторлари бирлашган. Республика илмий-техника жамиятлари техника, технологияни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан катта ташкилий ишлар қилинмоқда. 63 саноат корхонаси ва 93 автомобиль хўжаликлари янги хўжалик методларига ўтказилди. Уларда 123 минг киши ишламоқда.

Касаба союзлари советлари ва комитетлари меҳнаткашларни рағбатлантириш фондлари ва мукофотлаш шартлари тўғрисидаги Низомларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишда, кадрларнинг иқтисодий ўқишини йўлга қўйишда бевосита қатнашмоқдалар.

Янгича ишлашнинг дастлабки якунлари амалга оширилаётган хўжалик ислоҳоти — бутун совет экономикасини юксалтирувчи қудратли восита эканлигидан далолат бермоқда.

Биз социалистик мусобақани ташкил этишдаги мавжуд камчиликларга батамом барҳам беришимиз, нореал ва ноконкрет мажбуриятлардан қатъий воз кечишимиз керак. Мусобақа қатнашчилари олган мажбуриятларнинг бажарилиши учун қулай шароит яратиб берилишига эришмоқ, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни кенгроқ жорий этиш, ижобий тажрибани кенг тарқатиб, мусобақанинг қолоқларни илғорлар даражасига етказишига кўмак беришига эришмоқ керак.

Биз илмий техника жамиятлари, ихтирочилар ва рационализаторлар коллективлари ишини янада активлаштириш, уларнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтириш чораларини кўрмоғимиз керак.

Касаба союзлари советлари ва комитетларининг бевосита вазифаси планларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг ҳуқуқ ва моддий манфаатларини муҳофаза қилиш учун кураш ташкил этишдаги вазифаларини тўла равишда бажаришдан иборат.

Касаба союз ташкилотлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда ўзларига хос методлар билан иш кўрмоқдалари, корхона коллективларининг активлигини оширмоқдалари керак. Энг муҳими омма ўртасида бевосита ишлаш, уларни партия сиёсатини амалга оширишга сафарбар этиш ва уюштиришдан иборатдир.

Ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар меҳнатини енгиллаштириш ва хавфсиз қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришда қулай шароитлар яратиш, меҳнаткашларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини тинмай яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини яхши ўтказиш ва маданий ўсишини уюштириш тўғрисида муттасил гамхўрлик қилиш касаба союзларимизнинг юксак бурчидир.

Ҳамма ерда илмий ва техника жиҳатидан асосланган ишлаб чиқариш нормаларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган ишлар касаба союзларининг ниҳоятда актив қатнашувида ўтказилмоқда.

Аммо меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни нормалаштириш масалаларида ҳали кўп камчиликлар бор. Айниқса қурилиш ва қишлоқ хўжалигида иш ҳақи беришни кечиктириш ҳоллари оз эмас. Бу ишда касаба союз комитетлари ҳамиша ҳам қатъийлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Совет халқининг турмуш даражасини кўтаришда партия ва ҳукуматимиз изчил ўтказаётган чоралар системасида ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг меҳнатини ҳар томонлама енгиллаштириш ва соғломлаштириш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда етти йиллик мобайнида айни шу мақсадлар учун 86 миллион сўм чамаси сарфланди ўтган йил эса бу ҳаражатлар 1958 йилда қилинган шундай ҳаражатлардан 2,5 баравар ортиб кетди.

Шароитларни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларида корхоналарда кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган машина-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, прогрессив технологияни жорий этиш, вентиляция ва ёритишни такомиллаштириш, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш юзасидан чоралар амалга оширилмоқда.

Касаба союз ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясининг аҳволини контроль қилишда қатнашишга ишчилар ва хизматчиларни кенгроқ жалб қила бошладилар. Республика бошланғич касаба союз ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари аъзолари ва жамоат инспекторлари сони 4 йил ичида 36 мингдан 44,5 мингтача ошди. Касаба союзларининг республика, область ва кўпгина район комитетлари меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини контроль этишга касаба союз активини жалб этиш юзасидан каттагина иш қилдилар.

Шу билан бирликда республика халқ хўжалигининг айрим тармоқларида меҳнатни муҳофаза қилишга тегишли аҳамият берилмаётганлигини айтмай ўтишнинг ложи йўқ. Кўпгина корхоналарда меҳнат шаронти ҳанузгача санитария-гигиена нормалари ва талабларига жавоб бера олмайди. Гардеробхоналар, душхоналар, хотин-қизлар гигиенаси хоналари ва бошқа хил хоналар ҳамма ерда ҳам етарлича эмас. Қурувчилар, монтажчилар, чорвачилик ва паррандачилик фермаларида, ремонт-механика устахоналарида банд бўлган колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларига санитария-маиший хизмат кўрсатиш иши айниқса ёмон аҳволда.

Республика касаба союзлари меҳнат тўғрисидаги совет қонунларини пропаганда қилиш юзасидан кўрсатиш юзасидан бирмунча иш қилдилар. Аммо корхоналарда ва қурилишларда меҳнат, хотин-қиз ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларнинг, ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатиш тартиби тўғрисидаги қонунларнинг бузилишига тугал барҳам берилган эмас. Жазо бериш, муқофотлаш тартиби, иш куни режими бузилмоқда. Касаба союз ташкилотлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиш ишида контролни кучайтиришлари, хўжалик раҳбарларига қўйиладиган талабларни оширишлари зарур.

Ишчи ва хизматчиларнинг икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш тўғрисида ҳозир амалга оширилаётган қонун партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисида қилаётган гамхўрлигининг ёрқин мисоли, социалистик тузумимиз афзалликларининг далилидир. Янгича ишлашга ўтган корхоналар ва ташкилотлар ишининг дастлабки якунлари ҳафтада икки кун дам олиш меҳнаткашлар учун катта эҳсон ва меҳнат унумдорлигини оширадиган катта омил эканлигидан далолат бермоқда.

Тошкент экскаватор заводида, Бухоро—Урал газ қувури Урганч район бошқармасининг учинчи компрессор станциясида, Тошкент трансформатор заводида, Фарғона тўқимачилик комбинатида, Олмалиқ корхоналарида ва бошқа жойларда беш кунлик иш ҳафтаси шароитларида ишлаб чиқариш яхши бормоқда ва кишиларнинг дам олиши ҳам яхши йўлга қўйилган.

Касаба союзларининг олдида турган вазифа икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш ҳамма ерда уюшқоқлик билан ўтказилиб, меҳнаткашларнинг юксак иш унумдорлиги ва маданий дам олишини таъминлайдиган бўлиши учун ҳамма чораларни кўришдан иборат.

Касаба союзлари қўл остида бўлган давлат социал страхованиеси халқ фаровонлиги тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг муҳим омилидир. Ана шу мақсад учун маблағ ажратиш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳисобот даври мобайнида республика бўйича бу маблағлар 322 миллион сўмдан ортиқ ёки бундан аввалги тўрт йилдагидан 97 миллион сўм кўп бўлди. Шифохоналарга бепул ва имтиёзли йўлланмалар олган кишилар сони қарийб 100 минг кишига кўпайди, пионер лагерлари ва болалар санаторийларида дам олган болалар сони эса 200 минг кишига кўпайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба союз ташкилотлари социал страхование маблағларидан фойдаланиш, йўлланмалар тақсимлашни контрол қилишга ишчи ва хизматчиларни кенгроқ жалб эта бошладилар. Турли комиссияларда ва жамоат кенгашларида 62 минг га яқин активист ишламоқда. Шу туфайли санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақсимлашда тартиб ошди.

Шу билан бирликда Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Сирдарё областлари ва бошқа баъзи областларнинг кўпгина касаба союз ташкилотларида социал страхование ва пенсия ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар бўш ишламоқда. Тегишли контроль йўқлигидан кўпгина корхоналар ва муассасалар социал страхование бадалларини ўз вақтида тўламаяптилар.

Ўзбекистон касаба союзлари совети, касаба союзлар область советлари ва комитетлари соғлиқни сақлаш органлари ва хўжалик ташкилотлари билан бирликда ҳар йили меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш комплекс планларини амалга оширмоқдалар. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишчи ва хизматчиларнинг касалга чалиниши йил сайин камайиб бормоқда. Лекин баъзи жойларда касаллик туфайли иш вақтининг йўқолиши катта, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик учун нафақа тўлаш маблағлари ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда. Бу ишни қатъий равишда тузатмоқ керак.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба союзлари ихтиёрида 8 санаторий ва 7 та дам олиш уйлари бўлиб, улар ёз даврида бир йўла 4 минг 700 дан ортиқ кишини қабул қила олади. Ҳисобот даврида шифохоналарни кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш юзасидан маълум иш қилинди. Ўз вақтида даволаш муассасалари ихтиёрига берилган дам олиш уйларини яна касаба союзларига қайтариб бериш масаласини кўриб чиқиш зарурати етилди. Айни вақтда мавжуд шифохоналарнинг ишини тубдан яхшилаш чораларини кўриш, касаба союзлари курортларни бошқариш республика советининг ишидаги камчиликларни тугатиш керак.

Касаба союзлари янги санаторийлар ва дам олиш уйларини қуриш программасининг бажарилишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Жумладан, «Чимён» касалхона типидаги курортини, Иссиқкўл бўйидаги санаторийни қуриш, «Чортоқ» санатория қурилишини тамомлаш ва бир қанча янги дам олиш уйлари очиш кўзда тутилади. 1970 йилга бориб, касаба союзлари шифохоналарининг тармоғини 7200 ўрин кўпайтириш мўлжалланади, бу эса ҳар йили қарийб 200 минг кишини соғломлаштириш имконини беради. Ана шу мақсадлар учун марказлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан 18 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилиши керак. Андижон ва Фарғона область касаба союзларининг советлари ва шу областлардаги бир қанча корхоналарнинг ташаббуси эътиборга ва қўллаб-қувватлашга сазовордир. Бу касаба союз советлари ва корхоналар пайчилик асосида янги дам олиш уйларини қуришга қарор қилдилар.

Икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтилиши муносабати билан касаба союзларининг актив иштирокида республикадаги энг йирик саноат марказлари атрофида меҳнаткашлар ялпи дам оладиган зоналарни вужудга келтириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Чунончи, Тошкент атрофида Оқтош Газалкент, Хўжакент Чорвоқ, Пискент, Чимган ва Бектерсой районида дам олиш зонаси барпо этилади. Фарғоналиклар эса Ҳамзаободда, Ёрдонда, ялпи ва зангори кўллар районида Катта Фарғона канали зонасида ва бошқа жойларда оммавий дам олиш жойлари ташкил этишга қарор бердилар.

Касаба союзларининг республика комитетлари министрликлар ва идоралар билан биргаликда санаторий-профилакторийлар шохобчасини кенгайтириш, парҳез овқатланишни ташкил этишни яхшилаш тадбирларини амалга оширишлари лозим.

Кейинги вақтларда касаба союз ташкилотлари болалар ўртасида мактабдан ташқари ва соғломлаштириш ишларига кўпроқ эътибор бера бошладилар. 4 йил ичида 511 мингдан кўпроқ бола ўз канникулларини пионер лагерларида ўтказдилар.

Ўтган йили эса, Тошкентда зилзила рўй берган пайтда Москва ва барча иттифоқдош республикаларнинг касаба союзлари Ўзбекистонга катта ёрдам кўрсатдилар. Улар текин йўлланмалар билан 35 минг ёш тошкентликни қабул қилдилар, уларга зўр эътибор ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

Ўз табиати жиҳатидан тарбиявий ташкилот бўлган совет касаба союзлари Коммунистик партия раҳбарлигида меҳнаткашларнинг сиёсий онглилигини ошириш соҳасида катта иш қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш қолоқ қарашлар ва кайфиятларга қарши, соғлом турмуш уюшқоқлик ва юксак меҳнат интизоми учун кураш масалалари республикамиз касаба союзи фаолиятида ҳам етакчи ўринни эгаллади.

Касаба союзлари социалистик мусобақа ва унинг энг юқори босқичи бўлган коммунистик меҳнат ҳаракати сингари қудратли тарбия воситалари билан бир қаторда ишчи ва хизматчиларни хўжалик ва маданий қурилишда иштирок этишга жалб қилишнинг турли формаларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Ҳисобот даврида клублар, маданият уйлари ва саройларнинг сони 451 дан 589 тага, кутубхоналар сони 736 дан 789 га, қизил бурчаклар 3342 дан 4677 га етди. Маданий-оммавий ишлар учун давлат ажратаётган маблағлар билан бир қаторда касаба союз бюджетидан ҳам кўп миқдорда маблағ сарфланмоқда.

Халқ университетлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишининг муҳим участкасидир. Бу университетларнинг сони қарийб тўрт баравар кўпайди.

Москва, Ленинград ва Киев шаҳарларидаги касаба союз ташкилотлари билан бир қаторда Ўзбекистон касаба союзлари ҳам 1965 йилда ташаббус кўрсатдилар: Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан касаба союзларининг маданий-оқартув ишларини янада яхшилаш ҳаракатини авж олдириб юборишга ташаббусини бошлаб бердилар.

Марксча-ленинча назарияни, Коммунистик партия ва совет халқининг революцион ва жанговар традицияларини пропаганда қилиш клублар, кутубхоналар ва қизил бурчаклар ишида катта ўрин тутади. Ана шу маданият ўчоқларида тематик кечалар, революция ветеранлари граждалар уруши ва Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади, революция бўлган жойларга экскурсиялар уюштирилади. Революцион ва меҳнат шон-шуҳрати музейлари ташкил қилинган.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари одамларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Ҳисобот даврида шундай коллективларнинг сони 4600 тадан 6700 тага етди, уларда салкам 130 минг киши қатнашмоқда. Энг яхши ҳаваскор коллективлар негизида 12 халқ театри ва ансамбли ташкил қилинди.

Бутуниттифоқ ҳаваскорлар санъати фестивалига қўшилган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари ҳам Совет ҳокимиятининг шонли юбилейига ўз ижодий ҳисоботини тайёрладилар.

Касаба союзлари маданий-оқартув муассасаларининг ишини яхшилашда, ишчи ва хизматчиларнинг бадиий ижодиётини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар коллективларда тарбиявий ишларнинг кучайтирилишига ёрдам бермоқда. Лекин баъзи бу соҳада мавжуд камчиликлардан кўз юма олмаймиз. Ўз тадбирларини корхоналарнинг ишлаб чиқариш гопшириқлари билан яхши боғламаётган кам ташаббус ва ижодкорлик кўрсатаётган, асосан пуллик тадбирлар ўтказиш билан чекланаётган клублар ва клуб ходимлари бизда ҳали кам эмас. Бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда жиддий камчиликлар бор.

Меҳнаткашларни тарбиялашда кино қандай катта роль ўйнаётганлиги ҳаммага маълум. Ҳозирги вақтда касаба союзларининг республика киношохобчасида 1169 та киноустановка бор. Чорвадорларга ва аҳоли яшайдиган олис пунктларга хизмат кўрсатиш учун 57 та автоклуб ишлаб турибди. Республикада киноҳаваскорлиги сезиларли даражада ривож топди. 40 та ҳаваскорлар студияси ташкил қилинди.

Шу билан бирга, бу муҳим ишда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларда, айниқса чорвачилик совхозларининг посёлкаларида кинофильмлар сийрак кўрсатилмоқда, кино кўрсатиш сифати ҳам талабга жавоб бермайди, томошабинларга хизмат кўрсатиш маданияти паст. Касаба союз комитетлари бундан амалий хулосалар чиқариб олишлари лозим.

Физкультура ва спорт йил сайин тобора оммавий бўлиб бормоқда. Физкультура ва спорт билан шуғулланувчи ҳам Совет ҳокимиятининг шонли юбилейига ўз ижодий ҳисоботини тайёрладилар. Касаба союзлари спартакиадаларининг ишини яхшилаш, кадрларни танлаш ва ижрони текшириш-ташкилотчилик ишидаги асосий масаладир, деган кўрсатмаларига асосланамиз. Бу масалалар касаба союзларининг диққат марказида турибди. Кадрларимизнинг сифат состави йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари раҳбар касаба союз органларини сиёсий жиҳатдан етук, ғоят малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқдалар.

Маълумки, касаба союз ишини асосий ишларидан озод этилмаган ходимлар-активистлар жамоатчилик асосида олиб борадилар.

Бу эса, биздан фабрика-завод, маҳаллий комитетларининг раислари ва аъзолари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишни, уларга раҳбарликнинг тўғри методларини, меҳнат ҳақидаги қонунлар, социал страхование ва шу каби ишларнинг асосларини ўргатишни талаб қилади. Касаба союз советлари ва комитетлари касаба союз активларининг систематик ўқувини уюштириш юзасидан тадбирлар белгиладилар. Ўзбекистон касаба союзлари совети ҳузурида касаба союз кадрлари ва активларининг олти кунлик доимий курслари ишлаб турибди. Касаба союзларининг область советлари, область ва район комитетлари ҳузурида касаба союз ходимларининг семинарлари, Тошкентда ва Тошкент областининг бошқа шаҳарларида касаба союз активларининг доимий мактаблари ишламоқда. Ҳисобот даврида жами 600 мингдан кўпроқ касаба союз ходими ва активисти курсларда ҳамда семинарларда таълим олди.

КПСС Марказий Комитети 1965 йил март, сентябрь Пленумларининг, партия XXIII съездининг қарорларидан келиб чиқаётган республика касаба союзлари ишининг энг муҳим масалалари Ўзбекистон касаба союзлари советининг бўлиб ўтган пленумларида мунтазам равишда муҳокама қилинди, касаба союз ташкилотларида ташкилий-оммавий ва тарбиявий ишларни, касаба союз ташкилотларини икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказишга тайёрлаш ишини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Республика ва область касаба союз органлари корхоналарда, қурилишларда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда бевосита меҳнаткашлар орасида иш кўраётган бошланғич касаба союз ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан бир қанча чоралар кўрдилар. Касаба союзларининг съезд арафасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида касаба союз ташкилотларининг активлари ўсганлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ, бир қанча ташкилотларда ишчи ва хизматчиларни тарбиялаш мактаби бўлган касаба союз йиғилишларининг ролига етарли баҳо берилмаётир — йиғилишлар мунтазам равишда чақирилмайди, уларга етарли тайёргарлик кўрилмайди; йиғилишлар муҳокамасига йиллар давомида фақат бир хил хўжалик масалалари қўйилади, бунда кўпинча ғап рақам кўрсаткичлари машина ва механизмлар ҳақида боради, ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи куч бўлган одамлар эса, бутун ишимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Эндиликда Ўзбекистон касаба союзлари совети касаба союзларининг 10 та область советини, 17 та республика, 71 та область, 669 та шаҳар ва район комитетларини, 20470 бошланғич касаба союз ташкилотини бирлаштириб турибди.

Биз ўзимизнинг амалий фаолиятимизда партиянинг ҳар бир ишининг муваффақиятли бўлишини ташкилотчилик иши, таъминлайди

БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ШОНЛИ САНА

9 сентябрь Болгар халқининг тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. 1944 йилнинг шу куни Болгария Коммунистик партияси бошчилигида қуролли қўзғолон кўтарилиб, революция ғалаба қилди, монархо-фашистик диктатура агдариб ташланди. Меҳнаткаш халқ ўз тақдирини ўз қўлига олиб, эксплуататорлар синфини ҳокимиятдан маҳрум этди. Сентябрь революцияси мамлакатга янги ҳаёт йўлини—социализм қуриш йўлини очди. Шундан бошлаб бу кунни болгар халқи ҳар йили катта байрам билан нишонлайди. Бу қувончли кунни болгар халқи билан биргаликда қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ҳам зўр тантана билан нишонлайдилар.

Болгария урушдан олдинги даврда иқтисодий жиҳатдан қолоқ, занф, боғдорчилик ва сабзавотчилик мамлакати бўлиб, меҳнаткашлар оғир ва қийин ҳаёт кечирар эдилар. Сентябрь революциясидан сўнг ўтган 23 йил давомида болгар элининг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Мамлакат ишлаб чиқариш кучлари социалистик асосда тез суръатлар билан ривожлантирилди, халқ хўжалиги тикланди, экономика, маданият, ижтимоий ҳаёт социалистик асосда қайта қурилди ва ҳозирги вақтда Болгария дунёда кучли социалистик давлатлар қаторидан ўрин олган. У ўзининг ривожланган саноатига, замонавий қишлоқ хўжалигига, юксак маданиятига, мустаҳкам ижтимоий демократик тартибларга эга бўлиб, меҳнаткашларнинг фаровонлиги тобора ортиб бормоқда.

Халқ ҳокимияти йилларида болгар халқи бешйиллик планларни муваффақиятли бажаришн натижасида мамлакат социалистик асосда индустриаллаштирилди, саноатнинг асосий тармоқлари барпо этилди. Унинг умумий ҳажми урушдан олдинги даражага нисбатан йигирма мартадан кўпроқ ўсди. Болгария саноати 1939 йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳозир 15 кун давомида етказиб бермоқда. Саноат жами ижтимоий маҳсулотнинг тўртдан уч қисмини ишлаб чиқармоқда. Бир вақтлар оддий саноат маҳсулотлари ҳам четдан ташиб келтирилган бўлса, ҳозирги кунда жуда кўплаб саноат маҳсулотлари, шу жумладан оғир саноат маҳсулоти ҳам бу ердан дунёнинг турли хил мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Болгария қишлоқ хўжалиги социалистик асосда қайта қуриб, коллектив хўжаликлар барпо қилинди, унинг моддий-техника базаси тубдан ўзгарди, ўтган йили Болгария далаларида 70.000 дан ортиқ трактор, жуда кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ишлари кенг кўламда олиб борилаяпти, 1965 йилдаёқ 96,4 процент ишлар тўла механизациялаштирилган эди. Болгар деҳқонлари ҳар йили, помидор, қанд лавлаги, олма, узум, пахтадан юқори ҳосил олиб келмоқдалар.

Халқ ҳокимияти йилларида маданий соҳада, халқ турмуш шароитини яхшилаш соҳасида улкан тадбирлар амалга оширилди. Фақат сўнгги 10 йил ичида меҳнаткашларнинг реал даромадлари икки мартадан кўпроқ ўсди. Миллий даромад тез суръатлар билан кўпаймоқда, унинг ўртача ўсиш суръатлари жиҳатидан Болгария ҳозир олдинги ўринларда бормоқда.

Мамлакатда 8 йиллик мажбурий таълим амалга оширилиб ўқишнинг ҳамма турлари бўйича меҳнаткашларнинг 2 миллионга яқин ўғил-қизлари билим чашмаларидан баҳраманд бўлмоқда.

1966 йилнинг ноябрь ойида болгар халқи ҳаётида ва партия тарихида катта воқеа бўлди. Съезд 1966—1970 йилларга мўлжалланган янги беш йиллик директиваларини қабул қилди. Унда социалистик жамият қуришни янада тезлаштириш, жамият моддий-техника базасини барпо этиш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада оширишдан иборат вазифаларни ҳал этиш қайд қилинган.

Социалистик қурилиш ишларининг кенг кўламда олиб борилиши натижасида Болгариянинг халқаро ҳаётдаги обрўси ортди, халқаро воқеаларнинг туб масалаларини ҳал этишда фаол иштирок этиб келмоқда. У дунёдаги 102 мамлакат билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб бормоқда.

Болгар меҳнаткашлари, унинг шонли Коммунистик партияси мамлакатда социалистик қурилишда қўлга киритилган улкан ғалабаларни, Болгария обрўсининг ошиб бораётганлигини Совет Иттифоқи халқларининг бегараз ёрдамидан, бузилмас совет-болгар дўстлигидан деб биламоқдалар. Болгар халқи ўз устози ва йўлбошчиси Г. Димитровнинг «Совет Иттифоқи билан дўстлик болгар халқи учун ҳар бир тирик мавжудотга кўёш ва ҳаво каби ҳаётий зарур нарсадир», деган васиятига оғишмай амал қилиб бу дўстликни кўз қорачиғидай сақлаб келмоқда. Ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий, маданий алоқалар кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Совет Иттифоқи фақатгина кейинги беш-олти йил ичида Болгарияга 580 миллион сўм миқдорида қарз берди, 60 га яқин йирик саноат корхонасининг айрим цехларини қуришда техника ёрдами кўрсатди.

1967 йилнинг 12 май Болгариянинг тарихий календарига Болгария Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи ўртасидаги янги Дўстлик шартномаси тузилган куни бўлиб киради.

Болгария билан Ўзбекистон республикаси ўртасида ҳам иқтисодий, маданий алоқалар кенг ривожланмоқда. Болгарияга республикамиз ва Тошкент саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта терши машиналари, турли хил ускуналар, пахта толалари жўнатилмоқда, ўз навбатида Болгарияда ишлаб чиқарилган турли хилдаги электрокаралар завод фабрикаларимизда ишламоқда, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар меҳнаткашларимизга манзур бўлмоқда.

Икки халқ ўртасида социалистик мусобақалар ҳам илдиз отмоқда. Болгариянинг Хасково округи билан Тошкент области, Ямбол округи билан Андижон области ўртасида бундай алоқалар кенгаябормоқда.

Ўтган йили республикамизда Болгария, Болгарияда Ўзбекистон маданияти ўн кунлигининг зўр тантана билан ўтганлиги халқларимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлиб, халқаро социалистик меҳнат тақсимотида кенг иштирок этмоқда. У Варшава Шартномасининг қатнашчисидир.

Болгария ташқи сиёсатда социалистик мамлакатлар билан ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, тузумлари турлича бўлган мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиб, Европада ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун изчиллик билан курашиб келмоқда.

Болгар халқи Исроилнинг араб мамлакатларига қарши ҳужумини, Америкаиинг Вьетнамдаги қонли урушини қоралаб, биз араб мамлакатлари ва Вьетнам ватанпарварлари томонидамиз, зарур бўлган ёрдамни беришга тайёрмиз демоқда.

Бугунги болгар халқининг қувончли кунида, совет кишилари болгар ишчиларига, деҳқонларига, интеллигепцияси ва барча меҳнаткашларига ўз Ватанини янада қудратли қилишда, социализм қуришда олиб бораётган мардоновор курашида катта муваффақиятлар тилайдилар.

Ю. ИУЛДОШЕВ.



Энг қадимий шаҳарлардан ҳисобланган Пловдив аҳолисининг сони жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда туради. Пловдив сўнгги йилларда жуда обод ва кўркам бўлиб кетди. Янги-янги турар жой бинолари қад кўтарди. Сиз кўриб турган мана бу уйларга яқинда 2800 оила кўчиб кирди.

БТА—ТАСС фотоси.

Георгий ЖАГАРОВ
болгар шоири

В А Т А Н

Куйлаб ўтдим, куйларман яна,
Болгария, она-Ватаним,
Ташвишимсан, ўзинг ягона
Қайгум маним, қувончим маним.
Ҳаёт оқар, оқар беомон...
Биламанки, шундай кун келур:
«Ўглим!» — дея ҳайқирганинг он
Тупроғингга жисмим қўшилур —
Эй, шоирин аллалаган юрт,
Шаддодинг алқаган чаман;
Ва ҳар маҳал бесубут, бебурд —
Ўғилларин қарғаган Ватан!

Муҳаммад Али таржимаси.

ОЗОДЛИК КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ

Кеча область партия комитетининг мажлислар залида республикамиз пойтахти меҳнаткашлари вакилларининг Болгария халқининг озодлик куни — миллий байрамига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова очди.

Қардош Болгария халқларининг миллий байрами куни ҳақида меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов доклад қилди.

Совет кишилари, — деди у, — болгариялик дўстларини ҳурмат қилишади. Шунинг учун ҳам улар билан кўпдан буён мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатиб келмоқдалар. Биз ҳамиша улар билан биргамиз. Бизнинг областимиз меҳнаткашлари ҳам Болгариянинг Хасково округи меҳнаткашлари билан анчадан бери мусобақалашиб келмоқда. Бу ўзининг порлоқ натижаларини бераяпти. Болгарлар бизнинг колхоз ва совхозларимизга келишмоқда. Биз ҳам уларнинг шаҳар ва қишлоқларига тез-тез бориб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси дўстлигимизни янада мустаҳкамлаяпти. Ютуқларимизни кенг оммалаштириш имкониятини бераяпти. Бундан кейин ҳам алоқани янада мустаҳкамлаймиз. Биз дўстларимизнинг шонли байрами кунида уларни яна бир бор чин қалбдан қутлаймиз.

Йиғилиш қатнашчилари Болгария Халқ Республикаси Хасково округи меҳнаткашларига озодлик куни муносабати билан табрик телеграммаси юбордилар.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

◆ Болгар-Совет дўстлиги умумхалқ комитети дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти билан яқинлан алоқа боғлаб келаяпти. Жамият правлениесида бўлган киши Болгарияда юз бераётган кўп янгиликларни билиб олади. Бу ерга Болгарияда чиқадиган кўпгина газета ва журналлар мунтазам равишда келиб туради. «Болгария», «Болгария хотин-қизлари» журналлари ва «Хасковская трибуна» ва бошқа газеталарнинг янги сонларини олиб ўқиш мумкин.

◆ Дўстларимиз Болгария ишчилар ҳаракатининг кўзга кўринган арбоби Г. Кирков туғилган кунининг 100 йиллигини кенг нишонлашди. Жамият сана муносабати билан бу катта қалб эгасининг жўшқин ҳаёти ва фаолиятига доир фото альбомларни олди.

◆ Шундан сал кун ўтмай Болгариядан яна бир қимматли совға олинди. Бу — Г. Димитров туғилган кунининг 85 йиллиги муносабати билан ўзбек халқига тақдим этилган фотосуратлар комплексидир. Уларда болгар халқининг севимли фарзанди Г. Димитровнинг турли вақтларда тушган фотосуратлари акс эттирилган.


◆ Болгар-совет қўшиқлари бўйича ўтказилган конкурс вақтида жуда кўп революцион қўшиқлар ҳам ижро этилди. Улардан кўпи конкурс жюриси томонидан юқори баҳоланди. Энг яхши қўшиқлар ноталарини ўз ичига олган тўплам ҳам нашр этилди. Дўстларимиз шу тўпламдан бир нусхасини серқуёш республикамизга армуғон этдилар.

◆ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллигига Болгарияда ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти адресига навбатдаги мактуб олинди. Мактубда дўстларимиз республикамизда шонли юбилейга қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги тўғрисида ёзиб юборишни илтимос қилишибди. Шу таклифга биноан жавоб хати йўлланди. Шу билан бирга фотолар тўплами ва турли материаллар ҳам армуғон этилди.

◆ Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти область бўлимининг ташаббуси билан Болгар-Совет дўстлиги уйи қурилди. Уй уч хонадан иборат бўлади. Уларга болгар ва ўзбек халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликни акс эттирувчи турли экспонатлар қўйилади. Дўстлигимиз тимсолига айланиб қоладиган бу уй 9 сентябрда тантанали равишда очилади.

◆ Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги Болгария халқи томонидан ҳам кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан Болгария матбуоти улуғ Ўзбек шоири ҳақидаги материалларни ёритади. Улар орасида Тошкент Давлат университетининг профессори Лазиз Қаюмовнинг «Буюк гуманист» номли мақоласи ҳам бор. Бу мақола ва А. Навоий фотосурати Болгарияга юборилди.

◆ Яқинда академик Т. Н. Қори-Ниёзий юбилейини кенг байрам қилдик. Болгариялик дўстларимиз ҳам бу тадбирни бизлар билан баҳам кўрдилар. Юбилей куни Болгария матбуотида Ўзбек олими ҳақида катта мақола босилиб чиқди.



Болгария ва бошқа мамлакатларнинг саноатида кенг ишлатилаётган янги электр машиналари София илмий конструкторлик институтида тайёрланади. Суратда: конструкторлар В. Братиновский, Г. Круглов ва илмий ходим Мария Тронкова юқори частотали металлургия печларига ўрнатиладиган электр асбобини кўздан кечирмоқдалар.

БТА—ТАСС фотоси.



Ўзбек ва болгар халқлари дўстлиги тобора мустаҳкамланиб боряпти. Тошкент области меҳнаткашлари бирнеча бор Болгарияга бориб келишди. Ўз навбатида болгар дўстларимиз ҳам вакилларини ўзбек элига юборишди. Ушбу сурат Хасково округи делегациясининг аъзоларининг Олмалиқдаги Олтин топган кон-металлургия комбинатининг карьерида бўлган вақтда олинган. Корхона директори П. С. Поклонский меҳмонларга кончиларнинг ишлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

ГУЛ ВОДИСИ ЛАВҲАЛАРИ

...Худди бугунги кунлар сингари куз фасли эди. Меҳмон бўлиб борган юртимиз бизнинг элдан неча минг километр узоқликда бўлса ҳам у ерларнинг ҳавоси бизникига ўхшаш илиқ бўлиб боғларида мевалар гарқ пишган эди. Шаҳарларни, қишлоқларни, тоғлар бағридаги ўрмонларни сайр-саёҳат қилиб меҳмон бўлиб юрардик. Димитровградга яқин бир қишлоққа сафар қилдик. Дўстона кутиб олишлар кўнгилларни яйратиб юборди. Самимий кутловлар, меҳмондўстлик қуршовида қолдик.

Биринчи келган кунимиздаёқ хасковолик журналист Иван Жиглов билан танишиб, дўстлашиб олган эдим. У менга болгар халқининг ўтмишдаги кураши, Россияга бўлган чексиз муҳаббати, меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, баҳодирлиги ўз Ватанига муҳаббати ва шулар сингари воқеалар, ажойиб афсоналар тўғрисида жуда кўп қизиқ гаплардан ҳикоя қиларди. У айниқса гўзал қиз Цена билан ботир йигит Камиилариинг турк истибдоди давридаги азоб-уқубатларини, поймол бўлган муҳаббатларини воқеабанд қилиб сўзлаб берди.

— Болгар халқи ўртасида «Грамада» деган ибора бор. Унинг келиб чиқиш тарихи жуда қизиқ. Қадимда, турклар ҳукмронлик қилиб турган пайтларда маҳаллий бойлардан Цеко деган бой улар олдида ўзининг содиқлигини кўрсатиш учун гўзал қизи Ценани турк бойваччаларидан бирига хотинликка бермоқчи бўлади. Лекин қиз ўзининг севикли йигити Каминга кўнгил қўйган эди. Бераҳм ота қизнинг кўзёшлари, дод-фарёдига қулоқ солмайди. Қизининг қўлини сўраб келган турк бойини Цеко зўр тайёргарлик, иззат-икром билан кутиб олади. У атрофга йиғилган ҳамқишлоқлари, деҳқонларнинг сўзига қолоқ солмай қизини турк бойваччасига беради. Цекоиинг уйида ўйин-кулги, базм бўлади. Тўй тантаналари авжига чиққан пайтда гўзал қиз Цена ғойиб бўлади. Отаси саросимага тушади. Турк боёнлари уни ҳақоратлаб, урабошлайдилар. Қизингни топиб бермасанг ўлдирамиз, дейдилар. Кимдир гўзал қизни ботир йигит Камин отга миндириб тоққа олиб қочганлигини хабар қилади. Бойнинг отлик одамлари Камин орқасидан қувадилар. Бу вақт Камин қизни тоғлик ўрмон орасига олиб кетган эди. Бир неча кунлик қидиришлардан кейин йигит билан қиз ўрмондан топилади, аммо Камин қочиб қутилади, қиз эса қўлга тушади. Турк бойларидан ҳақоратланган Цеко қизини ўз уйига олиб келиб қалтакланиб ва яна бошқатдан тўй қилиб уни турк бойваччасига беради. Лекин ғазабланган халқ унинг бу ишидан нафратланиб туғён кўтаради. Оломон ичидан бир кекса киши чиқиб Цеконинг башарасига тупуради ва сен ўз халқингни ҳақоратладинг деб унга тош отади. Оёққа турган қишлоқ аҳли ва қўшни қишлоқлардан келган одамлар чолнинг ана шу ишини такрорлайдилар, яъни бой томонга тош отадилар.

Шу-шу бўлиб, ўша ерга ўтган-кетган одамлар тош отиб кетаверадилар. Бу ерга тош отиш ҳуқуқсизликка ва тенгсизликка бўлган халқ ғазабининг ифодаси бўлиб қолади. Бора-бора ана шу ерда баланд тепалик — тошгепалиги пайдо бўлади. Буни халқ грамада деб атайди.

Гўзал қиз Цена турк бойининг қўлида азоб чекиб қон-қон йиғлаб юрганда Камин ўз дўстларидан, қадрдонларидан мадад олиб севгилисини олиб қочади. Лекин қизнинг отаси эса халқнинг нафратига чидолмай ўз мол-мулкини ташлаб қишлоғидан бўлак ёққа бош олиб кетишга мажбур бўлади. Шундан кейин халқ бойнинг қизи Ценани: «Сен бизнинг қизимизсан, сен халқ қизисан», деб атайди.

Иван Жиглов айтиб берган иккинчи воқеа ҳам қизиқ. Биз Софияда улуғ болгар шоири Иван Вазов қабри устига кўйилган катта тошни қандай қилиб бу ерга олиб келинганлиги билан қизиққанимизда у бунн айтиб берди.

Шоирнинг мухлислари бўлган студентлар Софиядан анча узоқдаги Витиша тоғини бир неча кун кезиб, у ерда жуда қимматли тош борлигини топадилар. Студентлар ана шу тошни ўзларининг ҳурматли ёзувчилари қабри устига олиб келмоқчи бўладилар. Ҳар ким ҳар хил маслаҳат беради. Биров транспорт ёлдашни, бошқа одам яна иккинчи йўлни кўрсатади. Студентлардан бири муҳаббатимизнинг ифодаси ўлароқ бу тошни ўз қўлимиз билан кўплашиб кўтариб оборамиз деб айтади. Унинг бу гапи ҳаммага маъқул тушади ва студентлар бир тоннадан ортиқ келадиган тошни қўлма-қўл, елкама елка қилиб Софияга олиб келишади ва шоир қабри устига ҳурмат билан қўйишади.

Мана шунақа қизиқ воқеалар тўғрисидаги унутилмас суҳбатларимиз тугаб энди кетаётганимизда хонага ўрта бўйли, тўладан келган, малларанг сочларини ўнг томонга тараган йигит кириб келди ва бизни кўриб ўзбек тилида «ассаломуалайкум», деди. Биз жуда ажабландик. Болгарияда ўзбекча сўзни эшитиш бизни ҳам қувонтирди, ҳам қизиқтирди. У йигит билан таништик. Димитр Стоянов экан. Димитр ҳозир кооператив хўжаликда участка бошлиғи бўлиб ишлаётганлигини айтди ва Ўзбекистондан делегация келганлигини эшитиб икки оғиз гаплашиш иштиёқида эканлигини билдирди. Димитр Стоянов Мирзачўлдаги 3-«Боёвут» совхозида уч йил бўлган ва у ерда пахта етиштириш тажрибаларини ўрганган. Шу ерда ўзбеклардан жуда кўп дўст орттирган ва ўзбек тилини анчагина яхши ўрганиб олган. У биз билан гаплашиб ўтириб бундай деди:

— Ўзбекча сўзлашишни жуда соғинган эдим. Тилларингиз ниҳоятда чиройли. Мен бу тилни азбаройи қизиқканлигимдан жуда тез ўрганиб олгандим. Қалай, Тошкент, Мирзачўлдаги аҳволлар яхшими? Тошкентда ер қимирлаганлигини эшитиб жуда қаттиқ ташвишга тушдим. Ҳамма вақт радиодан воқеаларнинг боришини кузатиб турдим.

Димитр Стояновнинг бу саволлари бизни ҳаяжонлантириб юборди. У ўзининг ўзбек халқига бўлган муҳаббатини, бу меҳнаткаш халқнинг ажойиб урф-одатларини ва меҳмондўстлигини мароқ билан сўзлаб эди. Шу билан бирга у қачон имкони бўлса Тошкентга албатта боражагини, Ўзбекистонни айланиб томоша қилажагини айтарди.

Мана, орадан салкам бир йил ўтган бўлса ҳам Болгария таассуротлари кечагидай ёдимизда. Хасковолик дўстларимизнинг бизга кўрсатган меҳрибонлиги сира-сира эсимиздан чиқмайди. Уларнинг ишини ҳаммавақт кузатиб турибмиз. Деҳқончиликда, саноатга, маданият соҳасида эришаётган ютуқларидан ҳамиша қувонамиз. Болгария Халқ Республикасининг немис фашистларидан озод этилган куни — 9 сентябрь байрамида биз болгар дўстларимизга, мусобақадошимиз хасковоликларга чин кўнгилдан катта-катта муваффақиятлар тилаймиз ва уларнинг ўз мамлакатларини янада қудратли қилишларини астойдил истаймиз.

Катта байрамингиз муборак, болгариялик дўстлар!

С. МАҲКАМОВ.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Болгариянинг гитлерчи тўдалардан озод бўлганига 23 йил тўлган катта байрам кунингизда сиз қадрдон дўстларимизга табрик сўзларини йўллар эканмиз, ўтган йили худди шу пайтда юртингизда бўлган дамларни эслаймиз. Ўтган йили биз мамлакатингизни айланиб қайтаётганимизда София яқинидаги Копито тепалигига чиққан эдик. Бу ердан тунда нурга чўмган Софияни томоша қилган эдик. Худди шу пайтда шаҳар устида салют садолари янграган ва осмонни рангба-ранг нур гул бўлиб қоплаган эди. Бунинг боисини сўраганимизда Болгария халқ армиясининг 22 йиллиги байрам қилинаётганлигини айтишган эди.

Мана бугун халқ Болгариясининг озодлик куни — 9 сентябрь байрам қилинмоқда. Бизнинг юртимизда ҳам бу йил катта байрам бўлади. Давлатимизнинг шонли 50 йиллиги нишонланади. Халқларимиз ўзларининг озодликка чиққан кунларини ҳамиша биргаликда байрам қиладилар. Совет кишилари болгар дўстларимизнинг социализм қуриш йўлида астойдил курашаётганликларини биладилар ва уларнинг бу катта курашида муваффақиятлар тилайдилар. Совет-Болгария дўстлиги ҳаммавақт мустаҳкам дўстлик эканлигини бутун дунё сезиб турибди.

Бизнинг областимиз халқ Болгариясининг Хасково округи билан бир неча йилдан бери мусобақалашиб келмоқда. Икки ўртадаги мусобақа халқ хўжалигини, айниқса деҳқончиликни ҳар иккала ўлкада ҳам тез ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Бизнинг пахтакорларимиз Болгария пахтакорларига, у ердаги уста сабзавоткорлар эса бизнинг сабзавоткорларга ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам бермоқдалар ва кўмаклашмоқдалар. Бу яхши натижалар бераётир, албатта.

Байрамингиз кунида сизларни яна бир марта табриклайман ва колхозчиларимизнинг қизғин саломини йўллайман.

Умринисо ҲАСАНОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Тўрешкова номли колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

10 СЕНТЯБРЬ—ТАНКЧИЛАР КУНИ

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ

Совет Армияси танк қўшинлари бошлиғининг ўринбосари танк қўшинлари генерал-лейтенанти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. П. КОНСТАНТИНОВ ҳикоя қилади.

—⊙—

Генерал кабинетидаги стол устида турган кумушдан қўйилган жажжи макетларга қараб ҳам бу пўлат машинанинг мислсиз қудратини ҳис қиласанг, киши. У кичкина бўлса ҳам жуда дахшатли кўринади.

Ҳаракатланувчи ўт қалъалари йўл йўқ жойдан ҳам, қишда ҳам, ёзда ҳам, ботқоқликлар, тоғ тепаликлари, қум саҳролари, дарё ва кўллардан ҳам, сув остидан ҳам юра олади. Зирҳли машиналар кечаси ҳам, кундуздагидек яхши «кўра олади», уларнинг мўлжалга олган ўқи хато кетмайди. Бу пўлат армаданинг жангда қандай иш бегишини кўз олдимга келтираман...

Генерал-лейтенант мен билан бирга макетни кузатар экан, шундай дейди:

— Ўзингиз тушунасиз, ҳозирги замон зирҳли машиналарининг тактик-техник маълумотларини аниқ айтолмайман. Агар образли қилиб айтадиган бўлсак, жангларда синалган бизнинг эски «Т-34» танкимиз ҳозирги замон танкидан худди эски «Газик» енгил автомобили ҳозирги «Чайка»дан фарқ қилгандек фарқланади...

Николай Павлович совет бронетанк қўшинлари қандай ташкил топганлигини ҳикоя қилади. Бу қўшинлар граждонлар уруши оловларида туғилган. Унинг бошида Қизил Армияни жанговар техника билан жиҳозлаш учун кўп куч сарф қилган Владимир Ильич Ленин турди.

«Озодлик учун курашчи ўртоқ Ленин» деб номланган биринчи совет танки сормоволиклар томонидан 1920 йилда ишланган эди. Кичкина бронеотрядлардан ўсиб чиққан танк қўшинлари қудратли мустақил қўшин турига, қуруқликдаги қўшилмаларнинг асосий зарбдор кучига айланди.

Ўтган юксак маневрли урушда танк қўшинлари душман устидан ғалаба қозонишда, айниқса, Москва, Сталинград, Курск яқинида, Белоруссияда, Молдавия, Болтиқбўйида бўлган жангларда, Берлин ва Прагадаги ҳал қилувчи операцияларда, Маньжурияда Квантун армиясини тор-мор этишда катта роль ўйнадилар. Шундай бир мисол келтириш мумкин: Украинанинг ўнг қирғоғида бўлган улкан жангда бир вақтнинг ўзида 6 танк армияси ва 10 га яқин алоҳида танк ва механизациялашган корпуслар қатнашдилар. Танклар биринчи бўлиб СССР давлат чегарасидан чиқдилар. Биргина Берлин операциясида бизнинг томонимиздан 6000 дан ортиқ танк ва ўзиюрар установкалар қатнашди.

Жангларда ўрнак бўлган танк ва механизациялашган қўшинлар ва қисмларнинг ҳаммаси гвардиячи қўшинлар бўлиб қайта тузилди, кўплари бир неча орденлар ва фахрли номлар билан тақдирландилар. 6 танк армияси, 19 корпус, 110 бригада ва 200 дан ортиқ полк гвардиячи байроқлари остида урушни тамомладилар. 250 минг танкчи орден ва медаллар билан мукофотланди, 1000 дан ортиқ танкчига эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонч берилди, кўплар бу улуғ унвонга икки марта сазовор бўлдилар.

Шунингдек минглаб танксозлар орден ва медаллар билан мукофотландилар, кўпларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони номи берилди. Танк техникасини ишлаб чиқарувчи кўпгина заводлар байроқларини орденлар безади. Ватан танк қўшинларининг ва танксозларнинг фашист Германияси устидан қозонилган ғалабадаги ютуқларини ана шундай баҳолади.

Ҳаммага маълум ҳарбий бошлиқлар Совет Иттифоқи маршали И. И. Якубовский, бронетанк қўшинлари Бош маршали П. А. Ротмистров, бронетанк қўшинлари маршаллари П. П. Полубояров, П. С. Рибалко, С. И. Богданов, М. Е. Катуков, армия генераллари Д. Д. Лелюшенко, А. Л. Гетман ва бошқалар қўмондонлик қилган танк қўшинларининг муваффақиятли жанг қилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

— Ўртоқ генерал, хўш, бронетанк кучларининг ҳозирги замон урушида роли қандай!

— Қўшинларимиз уруш йилларидаги даражадан бир мунча илгарилаб кетдилар, яна ҳам кучлироқ ва қудратлироқ бўлиб қолдилар. Танкчилар ракета-ядро қуроли қўлланилган шароитда ҳам, бу қурол қўлланмаган вақтда ҳам операцияларни муваффақиятли тарзда олиб бориш учун барча зарур воситаларга эгадирлар. Мамлакат бизга ҳақиқатда ажойиб техникани бериб қўйибди!

Танк, маълумки, юксак маневрчанлик, қудратли ўт очиш зарбаси ва кучли ҳимояга эгалиги билан ажралиб туради. Ракета-ядро уруши шароитида у тенгсиз қудратли жанговар восита бўлиб қолади. Бинобарин ҳозирги замон урушида танк қўшинларининг кучи камаймайди, балки аксинча ортади. Жанговар машиналар энг қулай восита бўлганлиги сабабли ҳали улар қисқа муддат ичида ракета-ядро кучларининг бошқа қўшин турлари билан ҳамкорликда бошлаган урушини муваффақиятли якунлай оладилар. Қисқаси, ҳозирги замон танклари ҳар қандай об-ҳаво шароитида, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин ҳар қандай жойдан, сузиб ҳам, кечиб ҳам ўта олиши туфайли қуруқлик қўшинларининг зарбдор кучи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

— Машқ кунларидаги айрим қаҳрамонларнинг номларини айтиб беролмайсизми, ўртоқ генерал!

— Аълочи ротанинг командири капитан Сивобраков, аълочи взводнинг командири старший лейтенант Сорокин, аълочи экипаж командири старший сержант Третьяков, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, танк командирлари младший сержант Куликовский, механик-ҳайдоачи младший сержант Баннов, наводкачи ефрейтор Гнатюк, наводкачи оддий солдат Содиқов ва бошқа кўпгина танкчилар ўз ишларининг моҳирлари ҳисобланадилар.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёрланаётган танкчилар зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Улар кун сайин жанговар маҳоратларини такомиллаштира бориб, ўзларининг муқаддас бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Жангчилар янги техникани ва ҳозирги замон урушининг мураккаб формаларини пухта ўрганмоқдалар, аълочи бўлинмалар ва қисмлар сафларини оширмоқдалар, класс мутахассислари, аниқ ўқ отиш ва жанговар машинани моҳирона бошқариш устаси бўлиб қолмоқдалар.

Танкчиларнинг сафлари бизда йил сайин яхши тайёргарлик кўрган ёшлар билан тўлдирилмоқда. Ёш солдатлар — куролдош катта дўстлари жанговар традицияларининг муносиб меросхўрларидирлар. Улар ғалабалар шуҳратига чулганган байроқлар остида отлар ва акаларининг шонли йўлидан бормоқдалар. (АПН).

БАДИИЙ СЎЗ УСТАСИ

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таланинг жуда кўп мухлислари, қаламкаш биродарлари, дўстлари 8 сентябрда А. Навоий номидаги Катта академик театрга тўпландилар, улар Абдулла Қаҳҳор туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллиги билан уни қутлаш, унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилаш учун бу ерга келдилар.

Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин тантанали кечани очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова сўз берилди. Ё. С. Насриддинова гулдурос қарсаклар остида ўзбек ёзувчисини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида ССРР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб беради ва юбилярга ҳукумат мукофотини топширади. Ё. С. Насриддинова унга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган унвон бериш тўғрисидаги ёрлиқни ҳам топширади.

Филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Н. Султонов тантанали кеча қатнашчиларига ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапириб берди.

«Дружба народов» журналининг бош редактори С. А. Баруздин юбилярга мурожаат қилиб, СССР Ёзувчилар союзи номидан табрик сўзларини, қутловлар ва яхши истакларни айтди.

Қардош республикаларнинг вакиллари сўз санъаткорини қутладилар.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг жавоб нутқида ўз хизматини юксак мукофот билан тақдирлаганлик учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, ҳукуматга чин кўнгилдан ташаккур билдиради.

Халқ ёзувчиси номига жуда кўп телеграммалар келди. Бу телеграммаларни китобхонлар, ижодкор дўстлари, ёзувчи талантининг шаҳар ва қишлоқларда яшовчи мухлислари юборганлар.

Шу кеча юбилярга жуда кўп гулдасталар тақдим этилди. Бу гулдасталарда халқимизнинг ўз адабиётига ва унинг вакили-бадиий сўз устаси Абдулла Қаҳҳорга бўлган муҳаббати ифодаланган.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ВАТАНПАРВАРЛАРИ ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, 7 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг Куангчи вилоятидаги ватанпарварлари яқинда Америка денгиз пиёда аскарлари батальонига ва кўпгина қўшинлар батальонига тўсатдан ҳужум қилдилар. Ғафлатда қолган душман шошa-пошa чекина бошлади ва артиллериянинг ҳалокатли ўтига дуч келди. Моҳирона ўтказилган шу операция натижасида Жанубий Вьетнамнинг Озодлик армияси жангчилари душманнинг 200 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар ва беш бронтранспортерини ёндириб юбордилар.

Вьетнам информация агентлигининг Озодлик агентлигига асосланиб хабар беришича, Жанубий Вьетнамлик ватанпарварлар 1 сентябрда Донгха яқинида ҳарбий анжомлар ортган юк ташувчи кемалар карвонини ўққа тутиб, шулардан бештасини чўктириб юборганлар.

ПОКИСТОН ЖАМОАТЧИЛИГИ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

РАВАЛПИНДИ. Шарқий Покистон жамоатчилиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини кенг нишонлашга тайёрланмоқда.

Покистон — Совет маданий алоқалар жамиятининг Шарқий Покистондаги бўлими ташаббусига биноан вилоятнинг пойтахти Даккада байрамни ташкил этиш комитети тузилди. Жамоатчиликнинг таниқли вакиллари, фан ва маданият арбоблари комитет составига сайландилар.

Ташкилий комитетни тузишга бағишланган митингда Покистон парламентининг депутати М. Хон, профессор Ажит Кумар ва бошқалар сўзладилар. Улар прогрессив инсоният учун Улуғ Октябрнинг катта аҳамиятга эга бўлганлигини, Покистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари байрам вақтида симпозиумлар ўтказишга қарор бердилар. Бу симпозиумларда Октябрь революциясининг тарихий аҳамияти, Покистон—Совет ҳамкорлиги, 6 йил мобайнида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар масалалари кўриб чиқилади.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИ «КАПИТАЛ» ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ. Керала штатидаги Коммунистик партия ташкилоти кенгашининг Тричурда тугаган пленуми Карл Маркс ёзган «Капитал» китоби биринчи нашри босилиб чиққан кунга 100 йил тўлганлигини кенг нишонлашга қарор қилди. Ҳиндистон Компартиясининг Керала ташкилоти ижроия комитетига Карл Марксниг машҳур асари биринчи томини малаялам тилига таржима қилишни уюштириш тўғрисида кўрсатма берди.

Шунингдек Кералада Маркс кутубхонаси ҳамда улуғ мутафаккир асарлари, ҳаёти ва фаолиятини ўрганадиган илмий тадқиқот маркази барпо этилиши ҳам кўзда тутилади.

(ТАСС).

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС, 7 сентябрь. (ТАСС). Нигерия федерал ҳукуматининг қўшинлари ўрта — ғарб штатининг пойтахти Бенин шаҳрига секин бўлсада тинмай яқинлашиб бормоқдалар. Федерал ҳукумат вакилининг бу ерда айтишича, Шарқий Нигерия армияси чекинаётганида портлатилган кўприклар ва дарё кечувларини тиклаш зарурати туфайли федерал қўшинларнинг олға ҳаракати секинлашмоқда. Сўнгги кунлар мобайнида федерал қўшинлар жанг қилиб Оре шаҳридан Бенин томон 25 километр силжидилар.

Нигерия шарқий области территориясида ҳаракат қилаётган федерал ҳукумат армияси қисмлари область пойтахти Энугу шаҳри йўлидаги кўприклар ва кечувларни тиклашни тугалламоқдалар. Лагосга келган хабарларга кўра, Энугунинг қўшалиш хавфи борлигидан Шарқий Нигерия маъмурлари Шарқий Нигерия радиостанциясини Энугудан бошқа шаҳарга кўчиришга тайёрланмоқдалар.

ПОЛЬША — ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ БОШЛАНДИ

ВАРШАВА, 7 сентябрь (ТАСС). Франция президенти генерал Шарль де Голль халқ Польшасига келган кунининг эртасига Польша Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси Эдвард Охаб ҳузурига ташриф буюрди. Сўнгра Бельведерда расмий Польша—Франция музокаралари бошланди.

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ЯНГИ ИГВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 7 сентябрь. (ТАСС). Шу йилнинг 2 сентябридан 3 сентябрига ўтар кечаси бир взвод миқдоридаги Америка—Жанубий Вьетнам отряди Камбоджа территорияси ичкарисига тахминан бир километр бостириб кирди. Бу отряд Такео вилоятидаги Камбоджа чегара постига ҳужум қилди. Шу ҳужум натижасида икки камбоджалик ўлдирилди ва олти киши ярадор қилинди.

УРУШ ҚОЛДИҒИ

ТОКИО, 7 сентябрь. (ТАСС). Токионинг Кита-Ку районидаги бошланғич мактаб пойдеворидан бир тонна вазнли портловчи бомба чиқариб олинди. Бу бомба 1945 йилнинг 10 августида Америка самолётлари Токиога ҳужум қилган вақтида ташланган, деб фараз қилинмоқда. Мактабда 600 бола ўқийди. Бомбони зарарсизлантиришга доир ишлар қилинаётган вақтда хавфли райондан мингдан ортиқ аҳоли кўчирилди.

СОХТАЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

ВАШИНГТОН. Грециядаги ҳозирги ҳарбий хунта таниқли сиёсий арбоб Андреас Папандреу иши юзасидан уюштирилган суд машмашасида кенг фойдаланишни ният қилиб қўйган икки асосий «айбловчи гувоҳ» «ўз мамлакати»дан яширин равишда чиқиб кетиб, бу ерда бўлган матбуот конференциясида, ўзларининг айтишларича, «тамоман ёлғон-яшиқдан» иборат бўлган гапларидан ошкора воз кечганлар.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан юрист Андреас Вахлиотис билан журналист Кириакос Диакогианнис Греция махфий полицияси қўрқитиш, дўқ қилиш ва бошқа хил тазйиқ этиш методлари ёрдамида уларни ёлғон маълумотлар беришга мажбур этганлар ва Андреас Папандреуга қарши хунта олга сурган «хоинлик қилишда айбловга» асос қилиб олинган.

(ТАСС).



КАНАДА. Грециянинг қироли Константинниинг Канадага келиши муносабати билан Торонто шаҳрида намойиш бўлиб ўтди. Намойишда Канадада истиқомат қилаётган греклар ҳам қатнашди. Намойиш қатнашчилари Грецияда конституция ва демократик ҳуқуқларни ўрнатишни талаб қилдилар.

ТАСС телефотоси.



Суратда: машғулот пайтида. Десант ортган танклар ҳужумга йўл олмоқда. Б. Трепетов ва С. Преображенский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТЎРТ ОҒАЙНИ «БОТИР»ЛАР

КИЧИК ФЕЛЬЕТОН

□ □ □

Бор экан, йўқ экан. Тошкент деган шаҳарда, кун ботар томонда, зилзила бўлган кунларда, тўрт оғайни яшаган экан. Улар ботир бўлиб ботирга, чайқовчи бўлиб чайқовчига ўхшашмас эканлар. Катта «ботир»лар Анатолий Лабаев, Ринат Бектемиров, ўртанчаси Жўрабой Турсунов, кенжа «ботир» Димитрий Губаров экан. «Ботир»лар бетоб сичқоннинг елкасини ерга тегизолмай армон билан юришган экан. Кунларнинг бирида, нима бўлибди-ю, тўртови «Главташкентстрой»нинг 5-автобазаси эшигидан чиқиб қолишибди. «Ботир»ларнинг ҳар бири машина рулига ўтириб, шу ердан ўз «бахт»ларини излаб йўлга чиқишибди. Тошкентнинг қурилиш авжига минган жойларида тахта ташиб юрган кунларининг бирида яна учрашиб қолишибди.

— Хўш, бахтингларни топдингларми?— сўрабди катталари кенжаларидан.

— Йўқ, тополмаётибмиз,— жавоб беришибди кенжалари ҳафа бўлишиб.

— Ношудсанларда, ношудсанлар, мана биз топиб олдик. Истасаларинг биз билан юришларинг мумкин,— дебди кекса «ботир» Анатолий Лабаев билан ўртанча «ботир» Ринат Бектемиров.

Тўрт улфат кўз-очиб юмгунча 153-қурилиш трестига қарашли 1-бошқарманинг прораблари В. Молохотко билан А. Бродич олдига етиб келишибди.

— Бутун умидимиз сиздан,— дебди кекса «ботир».

— Йўқ деманг, бизда ҳам қолмас,— дебди кенжалари.

— Жоним билан берардим-у, лекин тахтани ҳазм қилолмай пахтасини чиқариб қўясизларми деб қўрқаман-да,— дебди прораб В. Молохотко.

—Нафасингизни сал иссиқроқ қилинг ўртоқ Молохотко,— дебди А. Бродич «ботир»ларга ён босиб.— хар канча тахта бўлса, улар пахтаси тугул, ҳидини ҳам чиқаришмайди.

Шундай қилиб, тўрт оғайни Молохотковдан 4.5 кубометр, А. Бродичдан 4.5 кубометр — хуллас қараса кишининг акси кўринадиган 9 кубометр тахтани машинага ортиб, Лабаев билан Бектемиров олдинда, Турсунов билан Губаров кетида йўлга чиқишибди. Йўл юришса ҳам мўл юришиб. Шўралисой деган қишлоққа етиб келишибди. Олдинда йўлни «разведка» қилиб келаётган кекса «ботирлар» Лабаев билан Бектемировларнинг кўзига қизил шапкали бир кишининг шарпаси кўрингандек бўлибди. Улар йўлнинг ўнги қолиб, сўлига юришибди-да ахири Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқуловномли колхоз қишлоғига кириб боришибди. Шу вақт нима бўлибди-ю осмондан тушибдими ё ердан чиқибдими, машина олдидан яна ҳалиги қизил шапкали киши чиқиб қолибди. «Ботир»ларнинг иккитаси тахтани ташлаб, бетоб сичқоннинг қидириб кетишибди. Иккитаси қутилиш учун ўзини ҳар оҳангга солибди-ю, лекин иложи бўлмабди. Шундай қилиб, «ботир»лар манзилига етолмай, тахтани сотолмай, мақсадига эришолмай минг пушаймонлар билан қайтиб келишибди. Энди улар ҳозирча милиция бўлимида «дам» олиб ўтиришаверсин, икки оғиз гапни давлатнинг 9 кубометр тахтасини ҳеч қандай ҳужжат-пужжатсиз бериб юборган В. Молохотко ва А. Бродичдан эшитинг.

Ўғирлик тахтанинг пахтаси, қинғир ишларининг кийиғи чиқиб қолганидан хабар топган В. Молохотко Бродичга дебди:

— Тўя кўрдингми?

— Тисс...—дебди Бродич қўли билан оғзини бекитиб,— мен ҳеч нарса кўрганим йўқ.

— Баракалла, мен ҳам кўрганим йўқ...

Шундай қилиб, «ботир»лар муроду мақсадига етмасдан фельетон ҳам тугабди.

О. АКБАРОВ,
А. ШАЙХОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55—Эшиттиришлар программаси. 11.00—Стоғтепьмдан — Люблянгача (телефильм). 11.25—Родигин қўшиқлари (фильм-концерт). 12.00—Катта пойга (телефильм). 12.10—Дўстлар табассуми (Халқ демократик мамлакатлари сатирик журналлари саҳифаларидан).

Ўзбек тилида: 12.50—Ёшлик студияси кўрсатади. Авлодлар эстафетаси. 13.20— Андреева— Горькийнинг дўсти (ҳужжатли фильм). 14.10 — Қардош республикалар санъати усталари. Франгиз Аҳмедова. 16.55—Эшиттиришлар программаси. 17.00—Ярим аср йилномаси. Улар Ватан учун курашганлар. 17.20—Телеэнгиликлар. 17.35—Ёшлик студияси кўрсатади. Олим бўлсанг—олам сенники. 18.15—Тўрт таниҳи ва ит (телевизион бадиий фильмнинг 5-серияси). 19.10—Ўзбекистон гуллари. Концерт. 19.50—Телеэнгиликлар (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00—Футбол бўйича СССР биринчилиги учун. «ДИНАМО» (Москва)—«ШАХТЕР» (Донецк). 21.45—«ЭКСПО-67». 22.00—Ярим аср йилномаси. 1931 йил (ҳужжатли фильм). 22.50— Киноасёхатчилар клуби. 23.40 — Телеэнгиликлар. 23.55—Москвада Молдавия ССР ҳафталиги. «Чарогон».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида. 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Ҳамма учун эртан (мультфильм). 18.20—Музикали минутлар. 18.40—Спорт бир ҳафта ичида. 19.00—Эстрада концерти. 19.40—Ҳужжатли фильм.

Ўзбек тилида: 20.00—Болгарияда социализм барпо этилаяпти. 20.20—Табассум (телефильм). 20.35—Н. Қиличев. Меннинг Туркманистоним. 20.55—Ўзбек классик куйлари саҳифаларидан. 21.30—Энди сизни ним деб атайман? (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

Рус тилида: Экран болаларга (мультфильм). 17.20—Шанба кечаси. 18.00—Футбол. «ОЛҒА» (Фрунзе)— «БАГИГАПУЛО» (Милан, Италия). 19.45 — Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.

Қирғиз тилида: 19.55—Телеэнгиликлар.

«САЛТАНАТ» программаси

20.05—Кирк йил ишчилар орасида. 20.55 Эшиттиришлар программаси. 21.00—МОСКВА КУРСАТАДИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—9/IX да Тошболта ошиқ, 10/IX да Гавҳари шамчироқ.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—9/IX да Қирол Лир, 10/IX да кундуз Парвона, кечқурун Қонли сароб.

КИНО

9—10 сентябрда

ҚИШКИ БИНОДА

Шоҳ Султон ҳақида эртак—САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тақарацуни қизлари—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Нега индамайсан?— «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

(кундуз ва кечқурун).

Венгер бойи— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Нафосат—«ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Нега индамайсан? — «ФЕСТИВАЛЬ».

Одам—амфибия—«ХИВА».

Ганга ва Жамна—ТЕЛЬМАН номли.

Кавказ асираси—«ВАТАН».

Бу ерлар тинч—НАВОИЙ номли.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

9-10 сентябрда

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган Тошкент

ДЎСТЛИК КАРНАВАЛИ

ўтказилади.

Карнавал кеч соат 7 да бошланади.

Хотин-қизларнинг ойда бир чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

«САОДАТ»

ЖУРНАЛИГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна баҳоси:

Бир йилга 2 сўм 40 тийин,

Олти ойга 1 сўм 20 тийин,

Бир сони 20 тийин.

Обуна чекланмаган — ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишни унутманг!

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212. Редактор ўринбосарлари—В35885 В31232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050 Совет қурилиш маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05617, Индекс — 64697. А. 1742.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси беш кунлик иш ҳафтасига ўтганлиги муносабати билан газета якшанба ва душанба кунларидан ташқари ҳамма кунларда чиқади.

1968 ЙИЛ УЧУН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА УҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.